Мив. Гос. нотариальная палата УзССР

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди мамлакат Фанлар академияси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида, Бекобод ва Бўка туманларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишлаб, «Жамиятимизни демократиялашнинг ҳуқуқий кафолати» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди. Унда Олий Мажлис депутатлари, муассасалар, корхоналар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг, жойлардаги давлат ҳокимият органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг раиси Б. Эшонов, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори профессор А. Жалолов, профессорлар Х. Раҳмонқулов, М. Файзиев ва бошқалар Асосий Қонун Ўзбекистон диёридаги энг кўп эркинликлар берувчи Конституция эканини айтишди.

***

27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Шахриёр Рашид ишонч ёрлиғини топширди. Шунингдек юртбошимиз Янги Зеландия ҳамда Филиппин Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Жон Питер Ларкиндейл ва Жейм Салседо Баутистадан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилди.

* * *

Аниқ фанлар ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ ватандошимиз, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг халқимиз маънавий-маданий ҳаётидаги ўрнини, аллома таваллудининг 1200 йиллиги ЮНЕСКОнинг 1998 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлигини ҳисобга олиб ҳамда унинг меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказишга кенг йўл очиш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси «Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

* * *

Бош вазир Ў. Султонов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтди. Бир қатор вазирлик, компания, корпорация вакиллари ҳамда тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг янада фаоллашувига кенг йўл очиб беради.

* * *

Таиландниг Бангкок шаҳрида ўтказилган спортнинг май-тай тури бўйича қирол кубоги анъанавий мусобақаларида Осиёнинг 15 мамлакатидан энг кучли спортчилар қатнашди. Юртдошларимиз Тоҳир Мирсамадов ва Диёр Пўлатов бу мусобақада барча рақиблар устидан ғалаба қозониб бош совринни қўлга киритишди.

* * *

Фарғона вилояти ҳокимлигида бўлган «Фарғонада бизнес қилинг» мавзуида халқаро инвестиция семинарида республикадаги дипломатик корпус, чет эл банк ва фондлари вакиллари ҳамда юртимиз ишбилармонлари иштирок этишди.

* * *

Бухорода бўлиб ўтган семинар мамлакатимиз суд тизимининг демократик асосларга ўтиши, ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 1997 йил 25 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 28 ноябрь.

***

Олий Мажлис ўнинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджети тўғрисида.
2. Ер кодекси лойиҳаси ҳамда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор қонунларнинг лойиҳалари ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
4. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
5. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
6. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1997 йил 29 ноябрь, шанба № 140 (22.223). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Суратда: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

28 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Свердловск вилояти губернатори Эдуард Росселни қабул қилди.

— Биз Свердловск вилоятини Россиянинг саноат ва ишлаб чиқариш жиҳатидан энг ривож топган ўлкаларидан бири сифатида яхши биламиз, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон билан мазкур вилоят ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари узоқ даврга бориб тақалади. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилда 130 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун салоҳиятимиз катта эканидан далолат беради.

Мамлакатимиз раҳбари Э. Росселнинг ташрифи Ўзбекистондаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан Свердловск вилояти корхоналари ўртасидаги алоқаларнинг янада равнақ топиши учун ўзига хос туртки бўлажагига умид билдирди.

Россиялик меҳмон қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, диёримизга ташрифидан мақсад ўзаро муносабатларнинг замон руҳига тўла мос келадиган янги асосларини яратиш эканини айтди. Шунингдек, у ташриф самарали ўтаётганини қайд этиб, тез орада Ўзбекистонга Свердловскдаги обрўли корхоналар раҳбарларидан иборат йирик делегацияни юбориш ва алоқаларнинг амалий қисмини кенгайтириш ниятида эканини маълум қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Свердловск вилояти ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, корхоналараро ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев иштирок этди.

Қабулда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Пацев ҳозир бўлди.

(ЎзА).

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Конституция — давлатнинг асосий қонуни, жамият барқарорлигининг ҳуқуқий кафолати, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга қаратилган сиёсатнинг йўлчи юлдузидир. У қонунлар биносининг пойдевори. Барча ҳуқуқий ҳужжатлар унга асосланади, ундан келиб чиқади, уни тўлдириб, аниқлаштиради. Кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида мамлакатимиз Асосий Қонунининг беш йиллигига бағишланган «Конституция ва инсон манфаатлари» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан биргаликда ўтказилди. Унда илмий тадқиқот институтлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоа бирлашмалари, жумладан партиялар, хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар, дин назорати, банклар ва бошқа идораларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда таниқли ҳуқуқшуносларнинг Конституция ва инсон манфаатлари назариясининг методологик муаммолари, ҳуқуқий давлат қуришда Конституция ва қонунларнинг, уларда инсон манфаатларини ҳисобга олишнинг аҳамияти хусусида маърузалар қилдилар. Шунингдек, Конституция ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатлари, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари ҳамда халқаро ҳуқуқ соҳасидаги тажрибалар таҳлил этилди.

Норбобо ШАКАРОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Перу ҳукуматига муҳолифатдаги революцион террористик ҳаракатлар вакиллари таъсир кўрсатишаётир. Ҳокимият вакиллари билан муҳолифатчилар ўртасидаги қарама-қаршилик қарийб 17 йилдан бери давом этмоқда. Ўтган йиллар давомида қўпорувчилар томонидан 30 минг киши ўлдирилди. Шу йилнинг апрель ойида Япония элчихонаси биносидан гаровга олинганларни озод қилиш бўйича Перу ички ишлар жангчилари ажойиб операция ўтказишган эди. Улар шуни назарда тутиб, муҳолифатчи гуруҳлар фаолиятини тўхтатишга эришамиз ва 2000-йилларга бориб уларни батамом тугатамиз, дейишмоқда.*

* * *

☑ *Швеция ўз мамлакатига Россиядан шимол буғуларини сотиб олиш имкониятларини қидирмоқда. Чунки қишда шведлар кечки овқатга буғу гўштини истеъмол қилишлари анъанага айланиб қолган. Бироқ Швецияда ушбу шохли жониворлар тобора камайиб бормоқда. 1990 йилдан бошлаб шимол буғулари туёқ сони икки баробар камайди. Агар Швеция ҳукумати Кола ярим оролидан шимол буғуларини сотиб олишни қўллаб-қувватламаса Швеция шимолидаги қушхоналар ишсизлик туфайли ёпилиб қолиши мумкин.*

* * *

☑ *Японияннинг «Ямаити Секьюритиз» сармоявий жамғармаси мижозлари компания бўлинмалари ва брокерлик идораларини қамал ҳолатига келтиришди. Чунки японияликлар бу компанияга ишонмай қўйишди ва маблағларини қайтариб олишга ҳаракат қилишди.*

* * *

☑ *«Известия» газетасининг ёзишича Япония Россиядан 200 тонна олтин қарз эмиш. Ушбу олтинлар биринчи жаҳон уруши пайтида чор армиясига ва гражданлар уруши пайтида Колчак армиясига Япония қурол етказиб бермоқчи бўлганлиги учун Японияга юборилган экан. Япония эса ўз мажбуриятини бажармаган.*

АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

28 ноябрь куни Тошкентда Абдулҳамид Чўлпон юбилейига бағишланган «Шарқ халқларининг миллий уйғониши ва Чўлпон ижоди» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази уюштирган бу тадбирда адабиётшунос олимлар, тарихчилар, ёзувчи ва шоирлар, талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжуманни Фанлар академиясининг Президенти Т. Жўраев очди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг раиси А. Азизхўжаев анжуманда сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

Чўлпон XX аср ўзбек маданияти ва адабиётини ривожлантиришга, адабий тилимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшган ижодкордир. Унинг ижоди Ватан, миллат, истиқлол тушунчаларини теран ҳис этишга ўргатади. Қалбимизда Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини тарбиялайди. Чўлпон ўзбек халқининг, қолаверса истибдод остидаги бутун туркий халқларнинг озодликка чиқишини орзу қилган, шу йўлда курашган ва фидо бўлган эди. Бугунги кунда халқимиз бу бахтга эришди ва Чўлпондек асл фарзандлари номини эъзозламоқда.

Анжуманда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов қатнашди.

(ЎзА).

Мутахассис муаммо қўяди

ТУТ ПАРВОНАСИ

ПИЛЛАЧИЛИККА ХАВФ СОЛМОҚДА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ходимлари ва олимлари олдига соҳани жадал ривожлантириш, мўл-кўлчиликни вужудга келтириш муҳим вазифалар қўйилмоқда. Жумладан, пилладан ҳам мўл ҳосил етиштириш йўлида талайгина ишлар қилиниши керак.

Ўзбекистон пилла етиштиришда дунёда Хитой, Ҳиндистон ва Японияндан кейин тўртинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Маълумки, тут барги ипак қуртининг бирдан-бир озуқаси ҳисобланади. Унинг сифати яхши ва мўл бўлсагина пилладан мўл ва сифатли ҳосил олиш мумкин.

Мана тўрт йилдирки Сурхондарё тутзорларига қирон келтираётган офат — тут парвонаси пайдо бўлди. Унинг қурти фақат тут дарахтининг барги билан озиқланади.

Бу ҳашарот аслида табиатда бор капалаклар ёки танга қанотлилар туркумининг, парвона капалаклар оиласига мансуб ҳашаротдир. Ушбу ҳашарот Ўрта Осиё минтақасида, шу жумладан, Ўзбекистонда шу даврга учратилмаган.

1997 йилнинг сентябрь ойида Сурхондарёдан тут дарахтларига номаълум ҳашарот зарар келтираётгани ҳақида нохуш хабар олинди.

Вилоятнинг бир қатор минтақаларида, жумладан, Жарқўрғон, Термиз, Қумқўрғон туманларидаги кўм-кўк яшнаб турган тут барглари илма-тешик бўлиб, оловнинг ичида қолгандай сарғайиб муддатидан илгари тушиб кета бошлади.

Бу вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари биринчи марта Жарқўрғон туманида кузатилди. Тут парвонасининг тез тарқалиб кетишига асосий сабаблардан бири, ҳашарот пайдо бўлгач уни йўқотиш учун ҳеч қандай кураш чоралари қўлланилмаган. Шу сабабли тут парвонаси тез кўпайиб Сурхондарё вилоятининг юқоридаги туманларига тарқалган, деган таҳминий хулосага келинди.

1994 йил кузида ва 1995 йил мавсумида бу ҳашаротга қарши кураш тадбирлари олиб борилишига қарамай 1995 йил 20 сентябрида Сурхондарё вилоятидаги мавжуд 18.1 млн. туп тут дарахтининг 11,4 млн. тупи ёки 62,8 фоизи, 3674 гектар майдондаги тут плантациясининг 2221 гектари ёки 60,5 фоизи зарарланди.

1997 йил мавсумида бу зараркунанда Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Ёзёвон, Андижон вилоятининг Улуғнор, Асака туман тутзорларида пайдо бўлди. Фарғона водийсида тут парвонасининг пайдо бўлиши водий тутзорлари учун жуда катта хавф туғдирмоқда. Умуман, Ўзбекистонга тут парвонасининг келиб қолиши республика пиллачилиги учун жуда катта ташвишли вазиятни келтириб чиқарди.

Тут парвонаси Сурхондарё иқлими шароитида 6 та авлод қолдиради. Охирги авлодининг қуртлари октябрь ойининг учинчи ўн кунлиги ва ноябрь ойининг бошларида қишлашга кета бошлайди. Бир қисм турли ёшдаги қуртлари совуқларда ўлиб кетади. Асосий ғумбаклари ва бир қисм охирги чиққан қуртлари ғумбакка айланиб улардан кейинроқ капалаклар учиб чиқади. Тут парвонаси капалакларининг учиб чиқиши ва тухум қўйиши баҳорда тут дарахтининг ривожлана бошлаши, барг чиқариши вақтига тўғри келади. Аммо баҳорда тут баргининг ипак қуртига берилаётган вақтда, тут парвонасининг келтирган зарари унча сезилмайди. Чунки, тут парвонаси қуртларининг кўп қисми қишки совуқда ҳалок бўлиб жуда кам сонда қишловдан чиқади.

Кураш чоралари: тут парвонасига қарши курашда ташкилий хўжалик тадбирлари, агротехник, биологик, кимёвий ва механик кураш усуллари қўлланилади.

Ташкилий хўжалик тадбирлари. Бу соҳада энг муҳимлари — хўжаликлар, туман, вилоят ташкилотлари, биофабрикаларнинг мутахассислари йил давомида бажарадиган ишлар режасини тузишда қуйидагиларга аҳамият беришлари керак:

— умуман тут парвонаси билан зарарланган тут дарахтларининг сонини ҳисобга олиш, уни ҳимоя қилиш учун сарф қилинадиган биоматериаллар (трихограмма, бракон) миқдорини аниқлаш, кимёвий препаратлар, ишлатиладиган ОВХ-28, ОВХ-600 ва ёшдаги етилган қуртлари, ўзлари ажратган ипак ипчалари орасида, тут дарахтининг кавакларида, эски пўстлоқ орасида, дарахт остидаги ўсимлик қолдиқлари, тўкилган барглари, турли эски анжомларда, асбоб-ускуналарда қишлаб чиқади. Апрель ойининг биринчи ёки иккинчи ўн кунлигидан бошлаб, ўртача ҳаво ҳарорати 15-18 бўлганда қишлаб чиққан ғумбаклардан капалаклар учиб чиқади. Катта ёшдаги қишловдан ремонт талаб қиладиган агрегатлар сони ва таъмирдан чиқиш муддатини белгилаб чиқиш;

— биофабрикаларнинг ремонти, механизациялашган линияларнинг аҳволи, керакли қисмлар билан таъминлаш муддатлари аниқ белгилаб олиниши лозим.

Агротехник кураш усули. Тут дарахти қатор ораларини ҳайдаш, суғориш, айниқса яхоб сувини бериш, ўз муддатида озиқлантириш ва бошқа тадбирлар дарахтнинг тут парвонасига чидамлигини оширади.

Биологик кураш усули. Тут парвонасининг капалаклари қўйган тухумга қарши биофабрикалар етиштирган трихограммадан фойдаланиш ижобий натижа беради. Бунда трихограммани зараркунанданинг тухумига нисбатан 1:1 ҳисобида, ҳар авлодига 3 марта тарқатилган дарахтларда юқори кўрсаткичларга эришиш мумкин.

Механик-санитариявий кураш усули. Тут парвонаси фуқароларнинг ҳовлисидаги ва томорқаларидаги шотутни ва бошқа турдаги тут дарахтларини ҳам қаттиқ шикастлайди. Хонадонларда кимёвий препаратларни ишлатиб бўлмайди, шунинг учун фуқароларни ҳовлисидаги ва томорқасидаги тут баргини зараркунандадан сақлаб қолиш учун тут дарахтининг танасига эски қоп ва матолардан белбоғ боғлаш, тутни каллакларига эски матолардан ташлаб қўйиб, 4-5 кун оралиғида тўпланган зараркунанданинг қуртларини, ғумбагини териб йўқотиш, сўнгра белбоғини боғлаб қўйиш керак.

Тут баргларини ипак қуртига озуқа қилиб бериш вақтида барча тут дарахтларининг шохларини, бачки новдаларини битта ҳам қолдирмасдан кесиб олиш зарур. Тут парвонаси тарқалган тутзорлардан тайёрланган тут баргларини бу зараркунанда тарқалмаган қўшни хўжаликларга, туманлар ва вилоятларга ташиш ман қилинади.

Тут парвонасига қарши кимёвий курашда ОВХ-28, ОВХ-600 ва бошқа турдаги пуркагич мосламалардан фойдаланиш лозим.

Тут парвонасига қарши юқорида кўрсатилган кураш усулларининг барчасидан ўз вақтида унумли ва самарали фойдаланиш республикамизда тут парвонасининг тарқалишини, жиддий зарарининг олдини олишни таъминлайди.

С. АЛИМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон энтомологлар жамияти ҳайъатининг раиси, академик.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ — Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси — Нашр индекси

п.в Жойи

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Партия ходими билан мулоқот

ОҚБОЕВНИНГ ОРЗУЛАРИ КЎП

Суҳбатдошимиз билан таништирамиз: Одилжон Мамарозиқов 1959 йилда туғилган. Оилали, 2 фарзанди бор. Андижон машинасозлик техникумини битирган. Асака шаҳридаги 2-пахта тозалаш ҳиссадорлик корхонаси технологи, ЎзХДП бошланғич партия ташкилоти котиби.

— Одилжон, сиз меҳнат қилаётган корхонада Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мавқеи ҳақида нималар дея оласиз?

— Корхонамиз Асака шаҳридаги йирик жамоалардан бири. Бу ерда меҳнат қилаётган 54 нафар ишчи-хизматчи, мутахассис Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларидир.

Бошлангич партия ташкилотининг жамоа ўртасидаги обрў-эътибори Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мавқеи баланд эканлигидан далолат беради. Обрў-эътибор, ишонч бошлангич партия ташкилотига жамланган партиямиз фаолларини партия дастурий мақсадларини аниқ тушуниб руёбга чиқаришга киришганликларининг ҳосиласи. Ҳар биримиз корхона раҳбари, ЎзХДП аъзоси Набижон Назирбековдан бошлаб оддий ишчигача жамоа манфаати учун сидқидилдан меҳнат қилишга интилаётганлиги муваффақиятлар салмоғини оширмоқда. Бунда бошлангич партия ташкилотимизнинг ўрни борлиги қувонарли.

— Партия аъзоларининг жойларда ислоҳотлар боришида бевосита иштироки, ташаббусларига доир мисоллар келтирсангиз.

— Партия ташкилотимиз, партиядошларимиз ислоҳотларни амалга оширишнинг жонкуярлари, фаол иштирокчиларидир. Янгиликка ҳамқадамлик, ташаббускорлик кучайди. Биринчи ишлаб чиқариш бригадасининг устаси, ЎзХДП аъзоси Мирзаали ака Ортиқов ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришда ташаббускорлик кўрсатди. У чигитни тукидан ажратувчи — линтер цехидаги дастгоҳ арралари орасидаги қовурғалар остига резина ёстиқчалар қўйишни таклиф этди. Пухта ўйланиб, аниқлик асосида амалга оширилган таклиф туфайли чигитларнинг туки ажратилаётганда синиши, чиқитга чиқиши кескин камайди. Меҳнат унумдорлиги ошиб, маҳсулотга барака қўшилди.

Партиядошимизнинг ибратли иши бошқаларни ҳам изланишга ундади. Технолог, ЎзХДП аъзоси Абдусалом Охунов пахтани тозалаш цехига узатувчи қувурларга махсус ғилдиракчалар ўрнатишни амалга оширди. Бунинг эвазига қувурларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш осонлашди. Қувурларнинг бузилишига барҳам берилди.

— Ўзингизнинг ишингиздан қониқяпсизми? Ташкилотингиз фаолиятида ҳозирча фойдаланилмаган имкониятлар борми?

— Амалга оширган ишларимиз салмоқли бўлаётгани янада масъулиятли иш юритишни тақозо этади. Кўпроқ халқ ичида бўлиш зарур деб ўйлайман. Бу борада ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Маънавий-маърифий, партиявий ишларни маҳаллаларга кўчириш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг нуфузини мустаҳкамлайди. Бунга янгиланиш талаблари асосида иш ташкил этиш билан эришамиз.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» мухбири Аҳмадилло СОЛИЕВ ёзиб олди.

ЯНГИЛАНИШ ҲАРАКАТЛАРИ ҲОСИЛАСИ

Бердимурод Оқбоевни биргина Яккабоғда эмас, Қашқадарё вилоятида кўпчилик яхши билади. Ҳамма раис бобо, дея ҳурмат қилади. Тўғриси, элимизда раислар кўп ўтган, ҳозир ҳам улар кўп. Аммо Бердимурод аканинг раислик фаолияти бошқача. У ўзини ўйламайди. Кўпроқ эл, хўжалик аъзоларига қайишади.

Саксонинчи йилларни биласиз. Бердимурод ака 1975 йилдан то саксонинчи йилгача ҳозирги Амир Темур жамоа хўжалигига раислик қилди. Сўнг, «Соҳибқирон» хўжалигини бошқарди. Кейин... Мана олти йилдирки яна «Соҳибқирон» хўжалигида раис бўлиб ишлаяпти. Меҳнат қилганда ҳам қирчиллама ёшга хос, зўр ғайрат билан фаолият кўрсатмоқда. Ўтмишда халқимиз бошига тушган «пахта иши» деган туҳмат у кишини ҳам четлаб ўтмаганди.

— 1985 йилда хўжаликни кетма-кет олти марта тафтиш қилишди, — деб эслайди раис бобо. — Милиция, тафтишчилар фақат вақтни оларди, кишининг руҳини туширишга интиларди. Шу машъум воқеалардан сўнг, Яккабоғдаги ҳамма хўжалик раҳбарлари, кўпгина кадрлар қамалиб кетди. Биргина мен очиқда қолганимдан, тўғриси қийналдим. Туман раҳбарларига мурожаат қилиб раисликдан бўшатишларини сўрадим. Улар арзимга қулоқ тутди. Аммо, туман тайёрлов идорасида ишлаб берасиз, деб илтимос қилишди.

Ҳа, Бердимурод ака тайёрлов идорасига директор бўлиб ҳам бошқалардан яхшироқ ишласа ишладики, ёмон ишламади. Шу боис ҳам ўша пайтлардаги вилоят раҳбарлари Оқбоевни «Савдо ходими бўлмасада кўрсаткичларни ошириб дўндирмоқда» деб катта йиғинларда кўп марта мақтарди. Оқбоев мақтовга ўч эмасди. У фақат ишлашни, тўғри иш юритишни биларди. Унинг шиори ҳам шу. Манфаатдорлик эвазига муттаҳам бўлишни сира-сира истамайди. Шу боис ҳам қаерда раҳбар ёки раис бўлмасин бировнинг бурнини қонатгани йўқ. Бировга «ишдан бўша», деб айтмаган.

ЎЗИНИНГ ГАПЛАРИ

«Ҳеч қачон, ҳеч кимни ўз хоҳишим билан ишдан олмадим. Нўноқ, ишни эплай олмаган мутахассис қачонки ўзи келиб «раис бобо мен ишлай олмаяпман, илтимос аризамга асосан бўшатсангиз» деб қоғоз тутқазган. Шундан биламанки, ҳар қандай ўзбекда виждон, ғурур бор. Ишни бажаролмагани учун виждони қийналади, ғурури эл-ни алдаб юришга йўл қўймайди. Сўнг, у бош ҳосилотми, бош муҳандисми мансабидан воз кечиб, бўшашга ариза беради».

Дарҳақиқат, кўп раислар, уларнинг меҳнат фаолиятини кўрганмиз. Лекин, ҳаммаси ҳам Оқбоевдек иш юритмайди. Буни яхши биламиз. Кўплари мансаб курсисига ўтирдими ишни бош ҳисобчи, омбор мудири ёки ёнилғи қуювчини бўшатишдан бошлайди. Сиз, хўш Оқбоевнинг хўжалигида иш қандай? Бунчалар кўкка кўтармаса, дерсиз.

Хўжаликда аҳоли сони 8 мингдан ортиқ. Мавжуд қишлоқларнинг 40 фоиздан ортиғи газлашган. Тоза ичимлик суви ҳар бир хонадонга олиб келинган. Тўлиқ водопроводлашган. Ҳаммом, сартарошхоналар, маиший хизмат шаҳобчалари ишлаб турибди. Телефон алоқаси, халқ банки бўлимининг филиали, озиқ-овқат, гўшт дўконлари қишлоқ аҳли учун жуда қулай жойлашган. Иккита болалар боғчасида болалар гавжум. Хўжалик ҳудудидан иккита ёпиқ дренаж олиб ўтилган. Оқар сувдан исрофсиз фойдаланиш учун 5 км. бетон ариқ ва 10 км. дан зиёд лоток ишлари қилинган.

Кичик корхоналар, тикувчилик цехлари мавжуд. Хўжалик ҳудудида консерва цехи, иссиқ нон ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб турибди. Пилла тайёрлаш режаси 106 фоизга, давлатга ғалла сотиш 1200 тонна ўрнига 1416 тоннага бажарилган. Режа 120 фоизга уддаланган. Янги ғалла ҳосилидан аҳолига 150 тонна берилган. 100 тонна ун, 41 тонна ёғ иш ҳақи ҳисобига тарқатилган. Ишчилар хўжаликдан 1 миллион сўмдан ортиқ қарз. Чунки, жамоадан ёрдам сураганнинг қўли қуруқ қайтмаган.

Бердимурод акадан дала меҳнаткашлари, хўжаликда яшовчилар қандай муаммоларни кўтариб олдингизга киради, деб сўраганимизда у киши: «улар муаммолар билан кирмайди, фақат тўйга айтиш учунгина идоранинг остонасини ҳатлайдилар», деди.

Ҳар йили 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ аҳолининг тоза ичимлик суви учун хўжалик томонидан тўланиб турилар экан. Раис бобонинг уддабуронлиги боис ҳар бир дала шийпони олдига 1984 йилда 20 минг донадан терак кўчати экилган. Хўжалик марказида эса 50 минг туп терак барқ уриб кўкка бўй чўзмоқда. Бу, яна 3—4 йилдан сўнг, ёғочга хўжалик аҳли умуман эҳтиёж сезмайди, деган гап.

Хўжалик меҳнаткашлари 1500 гектар ерга деҳқончилик қилади. Шундан 530 гектари пахта эди. Пахтакорлар уюшқоқлик натижасида октябрнинг бошидаёқ режани уддалади. Бу томондан ҳам юзлари ёруғ. Ғалладан бўшаган майдонларнинг кўп қисмига такрорий экин — маккажўхори, кунжут ва қовун-тарвуз экиб мўл-ҳосил олди. Хўжаликда иккита фермер бор. Уларга энг серҳосил жойдан ер ажратилган.

Хўжаликнинг юки баландлиги шундаки унинг ҳудудида соҳибқирон бобомиз туғилган Хўжаилғор қишлоғи жойлашган. Амир Темур бобомизнинг 660 йиллиги тўйи муносабати билан ўтган йили 3 гектар ер боғ ва музей учун ажратилган. Раис бобо билан шу ерни зиёрат қилдик. Яхшигина боғ бўлибди. Аммо, бизни ўйлантириб қўйган нарса, катта ниятлар билан қўйилган музей пойдевори ўша-ўшалигича турибди. Бердимурод ака кўп бор тегишли раҳбарларга бу ҳақда мурожаат қилибди. Ҳозирча ўзгариш бўлаётгани йўқ. У умид билан яшайди. Ҳали ҳаммаси зўр бўлишига ишонади, чекка-чекка эллардан зиёратчилар келади, кўрасиз, дейди.

Ислоҳот ва масъулият

Раис билан хайрлашдик. У киши дала айланиб кетди, биз эса қишлоқ одамлари фикрини олиш учун қишлоқларда ва шу ердаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш комбинатида бўлиб одамлар фикри билан қизиқдик.

Турка бобо ЭШМАТОВ, Сувбулоқ қишлоғидан, нафақахўр: — Одамларнинг кўнгли тўқ. Оқбоев яхши одам. Ҳурмати ҳам ёмон эмас. Иш деганини енгиб олган. Ундан қўрқмайди. Одамлар олқишини олиб ишлаяпти, ишқилиб.

Ўрол ТЎРАЕВ, дўкон мудири: — Қишлоқларимиз обод бўлиб бораяпти. Газ, сув бўлса. Одамлар маошини олиб турибди. Дўконимизда савдо яхши.

Абдунаби РЎЗИЕВ, Яккабоғ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш комбинати тайёрловчиси: — Оқбоев тадбиркор одам. Помидор билан ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ шу хўжалик таъминлаб турганлиги боис бетўхтов ишлаяпмиз.

Ҳа, Оқбоев ва унинг хўжалиги ҳақида ҳар қандай ҳақиқатни билмоқчи бўлсангиз «Соҳибқирон» хўжалигидаги дуч келган одамдан сўрайверинг. Улар алдамайди ёки олиб қочмайди. Қишлоқлардаги чапани, тўғри сўз одамлар дангалини айтади-қўяди. Оқбоевнинг эса орзулари кўп. У ҳар бир элдошининг уйида катта тўй бўлса, фарзандларимиз бари мустақил Ўзбекистоннинг келажакдаги буюк муваффақиятларини кўрса, қувонса ва унга ўз улушини қўшса, деб ўйлайди. Шунинг учун камарини қаттиқроқ боғласа боғлаганки, ҳали уни ечмайди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАҲСУЛОТ СЕРОБ, СИФАТИГА ГАП ЙЎҚ

Замонавий хонадонни мебелсиз тасаввур этиш қийин. Бинобарин, ҳар бир оила уйига бежирим, сифатли мебель қўйишга интилади. Ота-оналар қиз узатмоқчи бўлишса, албатта биринчи навбатда мебель қидириб топишга киришадилар.

Бундан беш-ўн йиллар аввал уйига совчи келган киши мебель қидириб овораю сарсон бўларди. Кўпчилик иложи борича бу маҳсулот хорижники бўлишига интиларди. Чунки ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар унчалик сифатли бўлмасди. Ахир мебель саноатимиз етарли даражада ривожланмаганди-да.

Бугунги кунда одамларга мебель керак бўлса, чет элникини қидириб юришларига ҳожат йўқ. Бундай маҳсулотлар тижорат дўконларида сероб. Бироқ нархи чақиб олади — жуда қиммат.

Лекин ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар арзонлиги билан ажралиб туради. Сифатли ва бежиримлиги жиҳатидан хорижникидан қолишмайди. Хўш, бундай маҳсулотлар қаерда тайёрланаяпти, деган савол туғилиши табиий. Бундай маҳсулотлар «Тошкентмебель» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётир.

Биз корхонада амалга оширилаётган эзгу ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида ҳиссадорлик жамиятига бордик. Корхонага келибоқ, бу ерда қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқ эканлигини ҳис қилдик. Цехлардаги аниқ иш мароми, замонавий дастгоҳларнинг бир дақиқа ҳам тинмай ишлаётганлиги бу ерда ўзгаришлар қилинаётганлигидан далолат бериб турарди. Энг муҳими, ишчиларнинг кайфияти яхши. Чунки шу йилнинг тўққиз ойи ичида бу ерда 320 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундан 8 миллион сўм соф даромад олинган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ишчиларнинг даромади ҳам шунга яраша. Улар ойига 7 минг сўмдан ойлик олишаётир.

Корхонада ишлаётган 860 киши ўз касбига садоқат билан ёндашмоқда. Шу боис меҳнат унумдорлиги 181 фоизга ошди. 1997 йил ярим йиллик натижаларига кўра ҳар бир акцияга 301 сўм атрофида дивиденд тўланди. Иккинчи ярим йилда эса бу кўрсаткич яна 800 сўмга кўтарилади.



Бу ерда маҳсулот сифатини ошириш учун турли тадбирлар амалга ошириляпти. Латвия билан тузилган қўшма корхона шулар жумласидандир. Бу қўшма корхона икки йилдан бери ишлаб турибди. Маҳсулоти эса бежирим. «Диенвиди» деб номланувчи бу қўшма корхона келгуси йили ўз қувватини икки бараварга оширмоқчи. Бу ерда тайёрланаётган ётоқхона мебеллари барчага манзур бўлмоқда. Улар ойига 7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашмоқда. Бу маҳсулотлар пойтахтимиз аҳолиси томонидан тезда сотиб олиняпти.

Бундан ташқари корхонада мисрликлар ҳам меҳнат қилишмоқда. Улар асосан паралон ишлаб чиқаришади. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Россия Федерацияси ва «Тошкентмебель» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти биргаликда ташкил қилган қўшма корхонада электродлар ҳам тайёрланаётир.

— Бизнинг маҳсулотларимизга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда, — дейди корхона раҳбари Тўрабек Назаров. — Шуни ҳисобга олиб, келгуси йили маҳсулот ишлаб чиқаришни икки бараварга оширишимиз зарур. Бунинг учун меҳнат унумдорлигини ҳам икки бараварга кўтаришимиз лозим. Эндиликда хорижга маҳсулот чиқариб сотишимиз талаб этилмоқда. Агар бу маҳсулотларимизнинг ярмини бўлмасада, 10—15 фоизини четга чиқариб валюта ишламасак, ишлаб чиқаришни ривожлантириш қийин бўлади. Бинобарин, айни пайтда хом ашёнинг асосий қисмини хориждан олиб келамиз. Масалан, Россия Федерацияси, Украина, Болтиқбўйи мамлакатларидан хом ашё, асбоб-ускуналар, дастгоҳлар сотиб олиш учун валюта керак. Биз шу маблағни ўзимиз ишлаб топишга аҳд қилганмиз. Бунинг учун маҳсулот сифатини оширишимиз зарур. Шу боис ҳар бир цех, ҳар бир участкада сифатга эътиборни кучайтирдик. Сифат бурчаклари ташкил этилди.

Хом ашёни четдан олиб келиш билан бирга уни ўзимизда ҳам кўпайтириш йўлида бирмунча изланишлар олиб бориляпти. Масалан, «Ўзбекмебель» ҳиссадорлик уюшмаси раиси Семён Мақсудов раҳбарлигида тажриба ишлари олиб бориляпти. Яъни шоли поясидан ДСП ишлаб чиқариш, ушбу хом ашёдан целлюлоза тайёрлаш бўйича изланишлар давом эттириляпти.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Жиззахда ғўзапоядан ДВП олиш яхши йўлга қўйилган. Аммо бу ерда ҳам хом ашё етишмай турибди. Хўжаликлар, унинг аъзолари ғўзапояни йиғиштириб, корхонага топширишмаяпти. Қанча-қанча хом ашё тандирларга, ўчоқларга қалаб юборияпти. Бунинг устига пахта кечки бўлиб қолганлиги сабабли, ғўзапоя йиғиштириш ҳам ноябрь-декабрга қолиб кетяпти. Натижада хўжаликлар ғўзапояни корчовка қилиб ўтирмай, ерларни шудгорлаб юборишяпти. Мебель саноатимизга асқотиш мумкин бўлган қанча-қанча хом ашё нобуд бўляпти.

Ҳиссадорлик жамияти ходимларининг тинмай изланишлари туфайли янги ҳамкорларни қидириб топишга эришмоқда. Яқинда италиялик ва германиялик ҳамкасблар келиб, қўшма корхоналар ташкил этиш ҳақида келишиб олишди.

Айни пайтда бу ерда ички имкониятлардан ҳам самарали фойдаланиляпти. Ҳар бир ишчи-хизматчи ижтимоий ҳимоя қилиняпти. Чунончи, Назарбекда корхонанинг ёрдамчи хўжалиги бор. Бу ерда етиштирилган мева-сабзавот ва картошка ишчиларга арзон нархда сотилмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти аъзолари аниқ маромни таъминлашмоқда. Бунда ўз ишининг усталари бўлмиш мебелчилар кўпчиликка намуна бўлишаётир. Масалан, «Диенвиди» қўшма корхонаси раҳбари Мансурхўжа Шарипов, учинчи цех бригада бошлиғи, «Шуҳрат» медали нишондори Ҳамидулла Абдуллаев, Халил Жалилов, Владимир Ковалёв, Дониёр Исмоилов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хуллас, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш йўлидан бораётган ушбу корхона меҳнатчилари келажакка юксак ишонч билан қарамоқдалар. Уларнинг маҳсулотини сотиб олган харидорлар «Мебелларнинг сифатига гап йўқ!» демоқдалар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ИШ... СУЮЛИБ КЕТДИ

Шомурод Норбўтаев Сурхондарёда «Чобағон» деб довруғ солган одам. Кўпкари чопган. Минглаб бедов йиғилган даврага от солиб, мана-ман деган йигитларнинг қўлидан улоқни илиб кетган.

Норбўтаев ҳозир Қизириқ туманидаги Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси. Уюшманинг ҳам ғаллачилик, ҳам пахтачилик соҳаларида «оти»... чопмаяпти. Йил бошида-ку шаштлари бошқачароқ эди: масалан, уюшма бир ярим миллион сўмга плёнка, салкам 3 миллион сўмга чигитни плёнка остига экадиган сеялка сотиб олди. Ерга шовуллатиб чигит урди. Унда-бунда бўлиб турадиган мажлисларда, ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам уялтирмаймиз деган гаплар қилди. Ишлаяпмиз, деди.

Мавсум олдидан уюшма 21 та пахта терадиган машинани «эгарлаб» қўйдик деб маълумот берди. Бир ғайрат қилсак, ҳашарчиларни безовта қилмай ўзимиз териб, режани бажарамиз, деган мўлжалларга ишора бўлди.

Лекин.. бўлмади. Уюшмага узоқ-узоқлардаги мактаблардан ҳашарчи келди. Бироқ 1200 ҳашарчининг иш унуми мақтагулик бўлмади. Бу уларнинг ишёқмаслигидан эмас эди, чамаси. Гап «ҳосил чўғи»да эди. Уюшма 2700 гектарда ғўзанинг баргини тўктирди. Машина билан терилган пахталар 27 октябргача 161 тоннага (ҳар бир машинага бу 7,5 тоннаданми тўғри келармиш) етиб-етмай қолди.

Хуллас, нимасини айтасиз, кўплар режасини бажариб, элга тўй бериб турган кунлари уюшма шартномасининг чорак миқдоридаги пахтадан қарздор бўлиб турган эди.

Мен уюшманинг бош бухгалетри Т. Жумаев ва бош иқтисодчиси Р. Шодиевдан ўша 2700 гектар ғўзани десикация қилишга қанча харажат қилинганини сўрадим. Билишмади. Ҳисоб-китоби ҳали чиққани йўқ, дейишди.

Уюшманинг кредитор қарзини сўрадим: 14539900 деб ёзиб беришди. Бу 145 миллион 399 минг деганими деб сўрадим. Бухгалтер бош қимтиди.

Туман савдо ҳиссадорлик жамияти раиси Бахтиёр Холиқов билан гаплашиб қолдим. Холиқов бирмунча вақт Охунбобоев номли уюшманинг 6-бўлимидами ҳокимликнинг вакили бўлиб турган экан. Одамлар раҳбарларнинг, раҳбарлар одамларнинг гапини тушунмас экан. Ишлари тўрва, қийналиб кетдим, дейди у.

— Одамлар... ишламас эканми, — деб сўрайман Холиқовдан.

— Ишламайдигин одам борми. Ишлайди. Фақат...

Холиқов тиззасига муштлаб қўйди.

О. УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Наманган туманидаги «Олти қаҳрамон» жамоа хўжалигида барча аҳоли ичимлик суви билан таъминланган. Бу ерда ичимлик сувини ҳисобга олиш йўлга қўйилган.

Суратда: хўжаликда ўрнатилган сув ҳисоблагичларидан бири.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

✂ -

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

«Обуна — 98»

«ГАЗЕТАМИЗНИ АЛБАТТА ЎҚИЙМИЗ...»

Иқтисоднинг ўз тутими бор. Аммо маънавиятсиз кўнгил бойлиги ва умр ободлигини тасаввур қилиш қийин. Айниқса, юртимизда кечаётган мислсиз ўзгаришлар, халқимизнинг илмга, ўрганишга ташналиги, турмуш ўртага қуяётган айрим муаммолар матбуот орқали етиб келади. Мустақиллик туфайли хилма-хил нашрлар дунё юзини кўрмоқда. Улар орасида ўз қўқувчиларини аллақачон топган «Узбекистон овози» ҳам бор.

«Газетамизни қизиқиб ўқиймиз...» Бу фикрларни пахтакорлар, қурувчилар, зиёлилардан кўп бор эшитаяпмиз. Албатта, тараққиет бир жойда тўхтаб қолмайди. Шаҳрисабз туманида обуна ўтган йили намунали ташкил этилган эди, бу йил ҳам ёмон эмас. Чироқчи туман ҳокими Мустафо ака Темиров обуна даврида, албатта, қўллаб-қувватлашларини билдирди. Корхоналар, ташкилотлар ўз ҳисобидан обуна қилишга ҳам киришганлар.

— Бу йил туманда барча соҳаларда олга силжиш бор, — дейди Косон тумани ҳокими Убайдулло Исмоилов. — Ғалла топшириш режаси ошиги билан адо этилди. Қишлоқларни газлаштириш, маҳаллаларни ободонлаштириш режалари бирин-кетин амалга ошмоқда. Шу билан бирга мелиоратив ҳолати ёмонлашган анча ерлар бор. Ана шундай муаммолар, ютуқларимизни газетангиз дадил кўтарса, деймиз. Таҳлил ва маҳорат билан ёзилган мақолаларни одамлар қизиқиб ўқишади.

— Бизнинг хўжалигимиз ном ҳам рўзномангиз билан ҳамоҳанг, — дейди Шаҳрисабз туманидаги «Узбекистон» жамоа хўжалиги раиси Азамат Боймуродов. — Газетангизда бизнинг хўжалигимиз ҳудудида томорқа деҳқончилиги тажрибаси кўрсатилган мақола маъқул тушди. Чиндан ҳам деҳқонларимиз тажрибаси мақтовга арзийди. Бу йил ғалла ҳосилдорлиги 45 центнердан ошди. Пахта ҳам яхши бўлди. Қишлоқларни газлаштириш ниҳоясига етаяпти. Хўжалик ҳисобидан камида 40 кишини «Узбекистон овози»га обуна қилиб, меҳнат илғорларига тарқатамиз. Деҳқонча айтганда, буям бир мадад...

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ИЗЗАТИНИ УНУТГАН «МЕҲМОНЛАР»

Шу йилнинг 14 октябрь куни тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари ҳушёрлик кўрсатиб «Андижон — Самара» йўналишидаги 297-поезднинг 3-вагонида кетаётган Людмила Нестеренкони фош этишди. Боиси, унинг сумкасидан 590 грамм гиёҳванд модда — кандир топилди. Бу аёл Газ—Ачак тошбекатидан йўлга чиқиб, Оренбургга бориб, мўмайгина пул ишлашни мўлжаллаган экан. «Бойиш операцияси»га ҳамроҳлик қилган Боғибек Саидкамолов ҳам энди қилмиши учун жавоб беришга маҳкум. Людмила Нестеренко Россия Федерацияси фуқароси. Оилали. 3 фарзанднинг онаси. Зеро, осон бойиш мақсади 40 ёшли аёлни қора курсига ўтиришга мажбур этди.

Бу, темир йўл ички ишлар бўлими ходимларининг тезкорлигидан бир лавҳа холос. Сўнгги йилларда «меҳмонларнинг» вилоятимизга қиғир мақсадларда келишлари, ўзларини «бизнесмен» деб билишлари, аслида эса гиёҳванд моддалар кетидан қувиб бойликка рўжу қўйишлари кўзга ташланмоқда. Балки, бу Ҳамдўстлик мамлакатлари фуқароларининг бошқа давлатга ташриф буюришларига берилган имтиёзлар, ҳеч бир таъқибсиз ва ортиқча ҳужжатбозликсиз келиб-кетишларини суиистеъмол қилиш оқибатидир. Юртимиздаги осойишталиқдан ўзларининг қиғир мақсадлари йўлида фойдаланишга интилаётган кимсалар оз эмаслигини унутмаслигимиз керак. «Меҳмон» қиёфасидаги фуқаролар иззатларини унутиб, жиноят устида қўлга тушиб, бармоқларини тишлаб қолишмоқда.

Юртимизда осон йўл билан бойлик тўплаш, аниқроғи гиёҳванд моддалар «савдоси»ни йўлга қўйиб олишга уринаётган бундай фуқароларнинг йўлини кесишга, ниятларини бартараф этишга зўр берилмоқда. Шунга қарамай, кейинги ўн ой давомида Урганч шоҳбекати ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қайд қилинган 11 та жиноятнинг 10 таси гиёҳвандлик билан боғлиқдир. Қизиғи шундаки, уларнинг аксарияти Россия, Туркманистон ва Қозоғистон фуқароларидир. Бир неча мисол: Хонмедов Айтмад 1800 грамм гиёҳванд модда — кандир билан қўлга олинди. Тағандурдиев Бешим, Сапаров Оллоберган, Оғаев Оролберди, Калиев Римлардан ҳам турли миқдорда гиёҳванд моддалар топилди. Меҳмон ўз иззатини билмаса меҳмоннавозликдан баҳраманд бўлмағай, деб шунга айтадилар.

Рустам СОДИҚОВ, Оролбўйи транспорт прокурори ўринбосари, аллия кичик маслаҳатчиси.

БОШ ВАЗИР БАЁНОТИ

Маълумки, шу кунларда Европа Иттифоқининг (ЕИ) кенгайиши ҳақида турли хил фикрлар билдирилмоқда. Шу хусусда Италия Бош вазири Романо Проди «Жанубий Европа мамлакатларининг ЕИга қўшилиши, унга аъзо бўлган Марказий ва Шарқий Европа давлатларига зарар келтирмаслиги керак», — деб баёнот берди. Шунингдек, Испания ташқи ишлар вазири Абел Матутес ҳам Мадрид Европа Иттифоқининг кенгайишига қарши эканлигини айтиб ўтди.

Декабрь ойи ўрталарида Европа Иттифоқининг Люксембургда бўлиб ўтадиган мажлисида айнан шу масала муҳокама қилинади.

ТАРИХДА БИРИНЧИ МАРТА

Тарихда Исроил ва Иордания ҳамкорлигида биринчи марта Қизил денгизда қўшма ҳарбий машқлар ўтказилди.

Мазкур тадбир Исроилнинг Эйлат ва Иорданиянинг Акаба портларида бўлиб ўтди. Унда денгизда ҳалокатга учраганларни топиш ва қутқариш операциялари машқ қилинди.

ДАВЛАТ КОТИБИ САФАРГА ЧИҚАДИ

АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт декабрь ойида Африка бўйлаб сафарга чиқади. Сафардан кўзланган асосий мақсад Африканинг етакчи мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантиришдир.

АҚШ давлат департаменти расмий вакили Жеймс Фаулининг маълум қилишича, бу сафар 8-15 декабрь кунлари амалга оширилади. Мадлен Олбрайт Эфиопия, Уганда, Руанда, Конго Демократик Республикаси, Жанубий Африка Республикаси ва Зимбабведа бўлади.

АЪЗОЛИККА ЯНА УЧ ДАВЛАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Канаданинг Ванкувер шаҳрида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви ўз ниҳоясига етди. Учрашувда ўзаро интеграцияни ривожлантириш, турли дунёвий муаммолар ва кўпгина бошқа масалалар қаторида Россия, Вьетнам ва Перу давлатларини ташкилот сафига қабул қилиш масаласи ҳам кўрилди. Келишувга биноан, мазкур уч давлат Осиё-Тинч океани Иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти аъзолигига қабул қилинди.

Эрон Жанубий Африка Республикасидан унинг ядро дастури ҳақидаги ахборотни сотиб олишга интилмоқда. Маълумки, ЖАР 70—80-йилларда Исроил ёрдамида ўзининг ядро дастурига эга бўлганди. Энди эса бу қуролнинг технологияси Эронга ўтиб қолиши мумкин. Экспертларнинг таъкидлашларича, бир неча йилдан сўнг Эрон ўзининг ядро бомбасини яратиши мумкин.

* * *

Халқаро хотин-қизлар ҳаракати БМТ га мурожаат қилиб, ушбу ташкилотга жўнатилган маблағнинг ярмини аёлларнинг заруратига сарфлашни талаб қилишди. Ушбу мурожаат Лондондаги «Халқаро хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича компания» аъзолари томонидан амалга оширил-

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

моқда. БМТ га мультимиллиардер Тэд Тернер томонидан ўтказилган миллиард доллар маблағ хотин-қизлар ташкилотини қизиқтириб қолди. Бироқ миллиардернинг ўзи ушбу маблағни сайёрамиздаги қашшоқлардан қашшоқ кишилар учун ажратган эди.

* * *

25 дан зиёд мамлакат вакиллари ядровий, биологик ва химиявий қуроллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқчи. АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн ўз маърузасида ана шу ҳақда тўхталиб ўтди. Оммавий қирғин қуроллари айниқса, заҳарловчи моддалар айни пайтда жиноятчи гуруҳлар қўлидадир. Химиявий — бактериологик қуролларнинг асосий қисми Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадан ҳамда Эрон, Ироқ, Сурия, Ливиядан олиб келинаётир. Маърузада Исроилнинг ядро дастурига муносабат билдирилмаган. Шимолий Корея, Ҳиндистон, Покистон, Хитой ва Россия хавф туғдирувчи ядро мамлакатлари сирасига киради.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Янграсин шўх яллалар».
8.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўлмас касб соҳиблари».
9.30 Болалар учун. «Омад юлдузи».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Сиҳат-саломатлик» почтаси.
10.35 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.55 Кино янгиликлари.
11.10 «Хасад». Бадиий фильм.
12.55 «Кетмас давлат берсин».
13.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм.
14.05—14.35 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.35 «Олам ва одам».
18.55 «Аср муаммоси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қалб минбари».
21.20 Ҳожи Абдулазиз Расулов номидаги I Республика хонандалари кўрик-танлови совриндорларининг концерти.
22.15 «Қимирлаган қир ошар».
22.25 «Келин-қуёв». Телешоу.
23.05 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 6-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.35 «Табиат дунёси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.05 Кундалик.
22.15 «Спорт қитъаси».
23.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.55—00.05 Кундалик.

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.20 — 21.35

*

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 «Тўрт шим ва чит кўйлак». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.20 — 23.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультканусель».
19.00, 21.20 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Ракурс».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Авторейд».
20.30 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 3-серия.
21.25 «Умр баҳори».
21.40 «Спорт-тайм».
22.10 «Тасвир—97». Танлов якунлари. 2-қисм.
22.35 «Умид».
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам».
8.55 Ҳожи Абдулазиз Расулов номидаги I Республика хонандалари кўрик-танлови совриндорларининг концерти.
9.45 Биржа ва банк хабарлари.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ботма, қуёш». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Инглиз тили.

*

11.30 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 6-қисм.
12.10 «Рақс, рақс, рақс».
12.25 «Давр ва таълим».
12.45 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.
14.05—14.35 Ўзбек халқ куйларидан концерт.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ғаройиб саёҳат». Мультфильм.
18.20 «Ғазалхон ёшлигим».
18.40 «Ислоҳот ва масъулият».
19.00 «Бизга мактуб йўллабсиз».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15, 23.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Аждодлар руҳидан таралган наво».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «XXI аср бўсағасида».
21.30 Телетанлов. «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Андижон вилояти.
22.20 «Санъаткор саодати». Э.Лутфуллаев.
22.50 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси 7-қисм.
23.35 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Нафис мажлислар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Кино ҳақида...»
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.55 Кундалик.
23.05 «Бизнинг авлод».
23.20 «АКС».
23.40 Ишбилармонлар ҳафтаси.
23.55—00.05 Кундалик.

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 Томошабинлар талабларига биноан концерт.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 «Коттон» клуби». Бадиий фильм. 1-серия (АҚШ).
23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультканусель».
19.05, 20.55 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Жонли тил».
21.00 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 4-серия.
21.50 «Дурдаршан».
22.20 «Моҳир».
22.45 «Телефакт» (Маданият янгиликлари).
22.55 ТВ-IV да немис тўлқини.
23.20 МУсиқий дақиқалар.
23.25 «Америкага бир назар».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Санъаткор саодати». Э.Лутфуллаев.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бобур».
9.20 «Талаба ва спорт».
9.40 «Оламни асранг!»
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Маҳорат».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Умумий биология.

*

12.00 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм 7-қисм.
12.40 «Сайқал». Видеоканал.
13.40 «Тасвирга кўчган кўнгил».
14.05—15.25 «Оролга сайр». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Уз ўрнинг бор».
18.40 «Бу ёруғ оламда Ватан битдадур».
18.45 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.00 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳа-ларида».
21.20 «Қўшиқ билан кўраман оламни».
21.50 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув.
22.15 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Киноконцерт.
22.45 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 8-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.35 «Классик қўйлар кечаси».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Кино ҳақида...»
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45

*

22.45 «Эълонлар.
22.50 «Коттон» клуби». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультканусель».
19.00, 21.45 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Нафосат гулшани».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 «Ташрифлар ва таклифлар».
20.55 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 5-серия.
21.50 «Мурувват».
22.30 «Автосалтанат».
22.40 «Азизим...».
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Қўшиқ билан кўраман оламни».
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳа-ларида»
9.25 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
9.40 «Қишлоқ стадионларида».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ўзбекистон тарихи.
11.00 Она тили.

*

11.30 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм 8-қисм.
12.10 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
12.40 Болалар учун. «Ҳикматлар ҳазинаси».
12.55—14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кичкинтойлар — гижингтойлар».
18.30 «Ўзбекистон қаҳра-монлари». Бўрон Рузиев.
18.45 «Акция ва акциядор».
19.00 «Эъзоз». Телеочерк.
19.25, 20.25, 20.55, 22.05, 23.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига. «Конституцион суд: бугун ва эртага».
21.20 «Эъзоздаги қўшиқ-лар».
21.50 «Вазият». Публицистик кўрсатув.
22.10 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 9-қисм.
22.50 «Битик». Адабий-маърифий кўрсатув.
23.20 «Ахборот».
23.45—23.50 Ватан тимсоллари.

II

9.00 Мультипанорама.
9.20 «Синфдош».
9.40 «Бари ҳазил».
9.55 «Мусиқа салтанати».
10.20 «Даллас». Телесериал.
11.10 «Кенгга кенг дунё».
11.25—13.00 Видео—«О».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Эгиз қушиқлар».
19.10 «Қатрада қуёш».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сайёралар рақси».
20.15 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.20 «Мусиқа теграсида».
21.40 «Одобнома».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кино жавонидан».
23.40—23.50 «Даракчи».

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45

*

22.45 «Бисотли аёл». Бадиий фильм. 1-серия.
23.30 — 23.50 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультканусель».
19.00, 21.30 Эълонлар.
19.05 «Санта Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Ҳамшаҳарлар».
20.10 «02» тўлқинида.
20.25 «Минг бир маслаҳат».
20.40 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 6-серия.
21.35 «Каталог».
21.45 «Интерспорт».
21.55 «Чинсэн».
22.25 «Дурдаршан».
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Эъзоздаги қўшиқлар».
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Куй ва соз соҳиби».
9.30 «Авлод». Публицистик кўрсатув.
9.50 «Танаффус». Мульт-фильм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Умид учқунлари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.30 Тасвирий санъат.

*

12.00 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 9-қисм.
12.40 «Санъат дўстлиги чорлайди». Сўғдиёна» — Қоҳирада.
13.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.30 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.05—15.25 «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ғойиб бўлди осмонда қуш». Мультфильм.
18.20 Болалар «Хотира» китоби. Қ.Муҳаммадий таваллудининг 90 йиллигига.
18.50 «Мулкдор».
19.15 «Шеър ва шуур».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Чемпион билан учрашув».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллиги-

(Давоми 4-бетда).

Антиқа тажриба

СУЯГИ БИЗНИКИ, ЭТИ СИЗНИКИ

Ўқитувчи Жеймс Коупелнинг сабоқ услуби нимаси биландир «эски мактаб»ни ёдга солади. Миннесота штатининг Рассел шаҳрида Коупелни ҳурмат қилишади, нуфузли мактаблардан бирида дарс беради.

Яқинда унинг тажрибаси ҳақида миш-мишлар тарқалди. Кимдир оқлади, кимдир қоралади.

Одатдагидек машғулот пайти 14 яшарлик бўйи дарроз ўқувчи партадан қулаб тушди. Ҳамманинг фикри бўлинди. У ўқитувчидан огоҳлантириш олди. Сал ўтмай яна «йиқилди», яна «оғиб кетди», «орқага чайқалди», хуллас ўтиролмай қолди.

Коупелнинг аввалига жаҳли чиқди. Кейин йўлини топди, дераза токчасидаги велосипед занжирини олди-ю, ўқувчини стулга занжирлаб, қулфлаб қўйди. Дарс сўнггида болани бўшатиб ўтган машғулотни сўрай бошлади. Ҳар доим аранг узлаштирадиган ўқувчи «аъло» жавоб қилди. Шу-шу у уйинқароқларни «занжирбанд ўқитиш» тажрибасини ўтказди.

Биз хорижда айниқса, Европа, Америкада ўқиш эркин, деган тушунчага ўрганиб қолганмиз. Бу воқеадан таажжубланишимиз мумкин. Лекин раселлик ота-оналарнинг кўпчилиги Коупелни «оқлади».

— Бу тажрибадан бутун шаҳар ғазаб отига минди, — деди маҳаллий газета муҳаррири Чарльз Хант. — Инсон ҳуқуқи поймол этилди..

Шаҳарнинг мактаб кадрлари бўйича менеджери Дейв Ленхофор «Коупел узоқ йиллик тажрибага эга ўқитувчи» дея «занжирбанд» қилиб ўқитиш услуби ҳақида салбий фикр билдирмабди.

Ноанъанавий ўқитиш услубини ҳозирча ҳамма ҳар хил изоҳламоқда. Баъзи ота-оналар майли «суяги сизники, эти бизники» деб барибир болаларини Коупелга топширишяпти-да.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

БАХТСИЗ ТАСОДИФ

Тақдир ҳазили

Португалиянинг Лиссабон шаҳрида ғалати ҳалокат рўй берди. Ғалатилиги нимаси дейишингиз мумкин. Гап шундаки, катта тезликда келаётган машина пиёдани уриб кетди. Ҳайдовчи 26 яшарлик Жозе Вегас нима қилиб қўйганини англаб етмасданоқ «тезроқ қочиш керак» деган фикрга келди. Жозе пойтахтдан 60 километр шарқда жойлашган Сетубалда яшовчи дўстиникига кетаётганди. У бахтсиз воқеа овлоқ йўлда бўлгани учун ҳеч ким кўрмаганига амин бўлгач жабрланувчини ташлаб қочди. Дўстиникига бориб ҳам қўрқув билан тунни ўтказди. Даҳшатли ўй-хаёллар тинчлик бермасди. Жозе акаси Жоржга маслаҳат солмоқчи бўлди. Аслида улар эгизак, шундай бўлса-да, Жозе Жоржни акасидан ортиқ ҳурмат қиларди. Уйига қўнғироқ қилувди, телефон гўшагини Жоржнинг хотини Анна кўтарди. «Жозе, фалокат рўй берди. Бугун тунда Жоржни машина уриб кетди. У ҳалок бўлди...» Жозе турган жойида қотиб қолди. Билдики, қондошининг қотили ўзи. «Акамнинг қотилиман».

Энди қандай бош кўтариб юраман. Виждон азоби бир умр мени қийнайди. «Бундан кўра ўлганим яхши...» ўз-ўзига дерди у. Йўқ, Жозе ўзини ўлдирмади. Тўппа-тўғри Лиссабонга бориб, ўзини полицияга топширди.

— Агар ўзи келмаганда бутунлай жазосиз қолиши мумкин эди, — деб маълум қилди капитан Антонио Руиз. — Қўлимизда ҳеч қандай на далил, на гувоҳ бор эди. Ҳаммасини инсоннинг виждони ҳал этди-қўйди.

Шунингдек, Жозе жазони ўтагач, умр бўйи Жоржнинг хотини ва болаларини боқиш учун масъуллигини айтди.

Полициячилар «Пиёда кўчанинг қирқиб ўтиш белгиси кўрсатилмаган, яъни «катта тезлик» қисмидан ўтганини ҳисобга олиб, бахтсиз тасодиф туфайли ҳалок бўлган», деган хулосага келди.

Ва ҳайдовчини қамоқ жазосидан озод этди.

ХИЛЛАРИДАН ХАТ ОЛГАН ҚИЗ

Жаҳон ва ёшлар

Индира Америка ледиси Хилларидан мактуб олгани ёдингизда бўлса керак. Билл Клинтон 1992 йилда биринчи бор АҚШ Президенти бўлиб сайланди. Ўша кезлари Индира 7-синфда ўқирди. Билимга ташна қизалоқ Тошкент Давлат университети қошидаги бизнес-мактабида инглиз тилини ўрганарди.

Маълумки, шу университетга бир гуруҳ америкалик профессорлар таклиф буюриб, талабаларга машғулот ўтишарди. Машғулот чоғида профессор Шнайдер Билл Клинтон билан бирга ўқиганини гапириб қолди.

Билл Клинтон сайловда ғолиб чиқди. Бу воқеадан ҳамма қатори Индира ҳам таъсирланди. Негадир Президентни қутлагиси келиб кетди. «Унга мактуб ёзаман — инглиз тилида! Қизиқ, узоқ Америкада менинг хатимни ўқишса-я!» бироз ҳаяжонланди. Уйига келди-ю, мактуб ёзишга киришди. Сўнгра устози Шнайдерга кўрсатди:

— Яхши, жуда яхши, бехато ёзибсан! — деди профессор. Америкага кетишда хатни ҳам ола кетди. Индира Клинтоннинг қизи Челсига совға ҳам юборди. Икки ҳафта ўтгач, Президентнинг рафиқаси Хиллари Клинтон Индирага жавоб мактуби ёзди. Хиллари хоним ўз хатида: «Индира, Билл Клинтонни қутлаб мактуб ёзганинг учун оиламиз ва Билл номидан катта раҳмат. Юртингни жаҳон ичра муносиб ўрнини топиши учун ўз ҳиссангни қўшишингга ишонаман. Бахтилайман»деб ёзганди. Индира бу хатни неча бор ўқиди. Сўнг «хазина»лари ичига авайлаб солиб қўйди.

Ҳозир Индира Назарова Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг 1-курс талабаси. Мактубда айтилганидек, юрт равнақига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш ниятида.

Талабалик олтин давр. Тўғри албатта. Шу билан бирга бу давр жуда югурук. Унинг ҳар дақиқаси ғаниматдек. Зеро, Индира талабалик сабоқларию, қўшимча машғулотлардан иложи борича кўпроқ илм олишга интилади. Негаки, эртага бугунги маънавий заҳираси асқотишини яхши билади. Ундан: «Сизнинг келгусидаги энг олий мақсадингиз нима?» дея савол беришади. У бўлса ҳеч иккиланмай: «Қанийди, Хиллари Клинтондек юртим учун жон куйдира олсам. Чунки бутун дунёда лединнг тараққиёт учун қўшаётган ҳиссасини тан олишади. Менимча, ўзбек ёшлари, қизлари ичидан ҳам келажакда шундай маликалар, албатта чиқади. Негаки, биз Ўзбек ойим набираларимиз...» дейди тўлқинланиб.

Ҳа, ажабмас. Индирага ўхшаган ёшларимиз жаҳон сиёсат майдонида етук арбоб бўлиб етишса. Бугун эса улар хорижий давлатлардаги тенгдошлари билан «рақобат»лашадиган илм ва тажриба орттириш пайидадирлар.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ.

Жэк ДОНЕЛЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА ДЕГАНИ?

Европа Кенгаши доирасида эса шахсий норозилик билдиришнинг янада кучли механизми мавжуд. Инсон ҳуқуқларини ҳаётга татбиқ этиш ваколати давлат миқёсидан давлатлар мажмуасининг олий сиёсий ҳамжамиятга ўтказилишига биргина мисол. Таассуфки, Америка ва Африкадаги минтақавий тизимлар айрим шахсларнинг маълумотномалари билан ишлашда камроқ муваффақиятларга эришган бўлиб, Осиё ва Араб давлатлари эса инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий комиссияларга эга эмас.

Шахсий ишларнинг муайян масала қўйиши ва ўзига хослиги туфайли давлатлар масъулиятдан ўзини олиб қочиши қийин. Ноҳуш аҳволга тушиб қолмаслик учун давлат сиёсий маҳбусларни озод этиши ёки айрим қурбонларга бадал тўлаши мумкин. Дунё миқёсида битимга асосланган петиция бериш бўйича учта тизим 1000 та шахсий ишларда яхши татбиқ этилди. Айрим қурбонларни диққат марказига олган жараёнлар эса кенгроқ доиралар ва чуқурроқ тизма кучларига мурожаат этишга қодир бўлмади.

Шунинг учун Қийноққа қарши Комитет қийноқ мунтазам равишда қўлланган вазиятлар юзасидан шикоятларни текширишга ваколат олгани алоҳида диққатга сазовор. Бироқ бундай жараёнлар ҳукумат доираларига мунтазам ташвиш келтириши туфайли улар кенг миқёсда татбиқ этилмайди. Мустақил экспертларнинг биронта ўзга комитети бундай ваколатга эга эмаслиги туфайли БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари бўйича Комиссиясидан номланишга арзигули «1503 жараён»дан илк йигирма йиллик фаолият асосида 5-6 та иш кўриб чиқилди, холос.

Халқаро қузатув жараёнлар қучайиб, кенгайиши билан давлатлар томонидан уларда иштирок этиш ёки улардан фойдаланиш ғаргати орасида тескари мутаносиблик борлигини пайқаш қийин эмас. Мустақил давлатлар инсон ҳуқуқларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича аксарият халқаро тизимларида иштирок этмасликни ихтиёр этишга ҳақлари борлиги туфайли уларнинг кучайиши ва қамрови орасидаги мутаносиблик жиддий муаммодир.

Инсон ҳуқуқларини қузатиш бўйича кўптомонлама механизмлардан ўзга бир қисми текширув ҳисоботи ва ҳимояга қаратилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Интер Америка Комиссияси бу соҳада биринчи бўлган: 1970 ва 1980 йилларда унинг Чили борасидаги ҳисоботлари Пиночет ҳукуматига қарши авж олган халқаро кампаниянинг муҳим таркибий қисми бўлган. 1978 йили Никарагуа бўйича тузган ҳисоботи эса Самоса ҳукуматининг қулашига сезиларли ҳисса қўшди.

Сўнгги 15 йил давомида БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Бўйича Комиссияси Гватемала, Эрон ва Бирма каби сиёсий жиҳатдан маълум давлатларни ўрганишга сезиларли ва тобора жадал саъй-ҳаракатлар сарфлади. Одатда, Комиссия деярли мустақил эксперт ва таҳлилчи бўлган махсус қузатувчи орқали иш юритади. Махсус қузатувчи, комиссияга расман ҳисобот беришга қўшимча равишда, одатда, ўзига яраша ўрин эгаллаш ва таъсир доирасини яратиш ниятида ҳукумат билан мунтазам алоқа боғлашга уринади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Комиссияси инсон ҳуқуқларини бузишнинг ўзига хос турларини кўриб чиқиш учун «мавзубоп» жараёнларни ташаббус олдирди. 1980 йили тузилган Мажбурий ёки ғайри-ихтиёрий йўқолишлар бўйича Ишчи гуруҳ бу борада биринчи қадам бўлди. Фаолиятнинг илк ўн йили давомида бу ишчи гуруҳ 19.000 дан ортиқ ишларни кўриб чиқди. 1985 йили комиссиянинг ўша пайтдаги раиси Петер Кужманс қийноқ ҳоллари бўйича махсус қузатувчи этиб тайинланди. 1993 йили Нидерландиянинг ташқи ишлар вазири лавозимига ўтганга қадар Кужманс шу ишни бажариб келди. Янги ишга ўтиши эса ақлли айрим давлатларнинг ташқи сиёсатида инсон ҳуқуқлари тобора устувор аҳамият касб этаётганидан далолат берди. Оддий ёки арбитраж суд ажримлари, суд ҳибслари, диний зиддиятлар, инсон ҳуқуқларини ёлланма ходимлар томонидан бузиш ҳоллари ва расизм кўринишлари билан иш юритиш учун қўшимча қузатувчилар ёки ишчи гуруҳлар тузилди. Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари соҳасини халқаро миқёсда кузатиш учун БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари мавжуд. Бу лавозим 1994 йили таъсис этилган бўлиб, унинг таъсирини баҳолаш ҳали эрта.

Охири. Боши аввалги сонларда)

ТЕНГИ ЙЎҚ КЎЗОЙНАК.

ПОЛВОНЛИККА ОРЗУМАНД БОЛАЛАР

ЁКИ ХАЛҚАРО КУРАШ МУСОБАҚАСИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

СПОРТ

«Бу мусобақа Ўзбекистон учун жуда муносиб. Ўйлайманки, бундай саъй-ҳаракатлар спортнинг кураш турини янада оммавийлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади». Ўзбекистонда ўз маҳоратини оширган, жаҳонга танилган, икки марта Олимпиада ва олти марта жаҳон чемпиони бўлган Арсен Файзаев Тошкентда ўтган халқаро кураш мусобақасини ана шундай баҳолади. Ҳақиқатдан ҳам «Мустақиллик кубоги» учун илк марта ташкил этилган бу мусобақанинг нуфузи катта экани спортчилару мутахассислар эътироф этишди. Республика кураш федерацияси ташаббуси билан уюштирилган мусобақага жаҳоннинг турли мамлакатларидан қарийб 150 нафар машҳур ва етакчи полвонларнинг ташриф буюриши ҳам айни муддао бўлди.

Маълумки «Президент кубоги» учун ўтказилаётган халқаро теннис мусобақасининг обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Юртимизда моҳир теннисчилар камол топмоқда. Кичик тўп усталарини тарбиялаш учун қулай шароитлар яратилмоқда. «Юнусобод» спорт мажмуида бўлиб ўтган кураш мусобақасидан кейин ҳам кўпчиликда ана шундай таассурот қолди. Мутасадди мутахассислар яқин йиллар ичида халқаро кураш мусобақасининг даражаси худди теннис каби обрў-эътиборга эга бўлади, деган фикрни билдирдилар.

— Мусобақанинг уюштирилгани, ташкилий томонлари ҳар жиҳатдан халқаро андозаларга жавоб беришидан мамнуман ҳосил қилдим, — дейди халқаро кураш федерациясининг вице-президенти Рафи Мартинетти. — Муҳими, Ўзбекистон федерацияси ўзининг ҳам ташкилий, ҳам маҳорат бобидаги имкониятларини намойиш этишга қодир эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам мураббийлар ва мутахасислар билан бамаслаҳат халқаро мусобақани анъанавий равишда ўтказиб туришга қарор қилдик.

Мусобақа мобайнида турли полвонлар ва мураббийлар билан қилинган ўзаро суҳбатлардан яна шу нарса аён бўлдики, буюк келажак сари собит қадам ташлаётган Ўзбекистон номи нафақат иқтисодий ёки маънавий ютуқлар эвазига, балки спортчиларимизнинг қўлга киритаётган муваффақиятлари самараси ўлароқ ҳам довруғ топмоқда.

Бир вақтлар ўзининг абжирлиги билан танилган Рустам Казаков ажойиб ғалабаларга эришганда тошкентликлар уни ҳамшаҳримиз деб олқишлашгани кўчиликнинг ёдида бўлса керак. Мюнхен олимпиадасининг чемпиони бўлган Рустам яна Тошкентда меҳмон бўлиб, ўзи учун қадрдон шаҳри азимнинг нечоғлиқ ўзгариб, янгиланиб кетганидан беҳад мамнуният изҳор этди.

Унинг мулоҳазаларига қараганда, халқаро кураш мусобақаси анъанага айлантирилиб, мунтазам ўтказиладиган бўлса, полвонлар ўртасида бундай баҳсга қизиқиш шундай ортиб кетадики, уларни алоҳида таклиф қоғозлар билан чорлашга ҳам ўрин қолмайди. Эътиборли тарафи шундаки, «Мустақиллик кубоги» учун курашаётган полвонлар орасидан юртимиз байроғини юқори кўтаришга қодир Оврўпо ва жаҳон чемпионлари, қолаверса Олимпиада ғолиблари етишиб чиқса, ажаб эмас.

Бор-йўғи икки кунгина давом этган ўзига хос кураш байрамида ажойиб бир манзарадан таъсирландик. У ҳам бўлса, машҳур полвонларнинг ўзаро беллашув чоғида ҳамда ғолибнинг қўли баланд кўтарилганда баҳсларни зимдан кузатиб ўтирган болакайларнинг чақнаб турган кўзлари ва олқишларидан.

Бу — болакайлар орасида полвонликка орзумандлар борлигидан нишонадир. Улардан XXI аср камарбасталари чиқса ажабмас.

Сергей ДАНИЛОВ,
спорт шарҳловчиси.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 29 noyabr, sanba № 140 (22.223).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ҳайдар ТЎРА

СИЗ УСТОЗИМ

академик Тўхтамурод ЖЎРАЕВга

Инсон икки марта дунёга келади: бири туғилганда, иккинчиси эса дунёни таниганда. Фарзанд ота жисмининг бир парчаси бўлса, шогирд устоз жонининг бир бўлагидир.

Ота-онам жон бахш этган бўлса менга,
Икков аро шон бахш этган, сиз устозим.
Оллоҳ умр, тан бахш этган бўлса менга,
Ризқи рўзим — нон бахш этган, сиз устозим.

Тонглар отмас бедор ўтган тунларимга,
Қуёш ботмас бекор ўтган кунларимга,
Дил ёришмас такрор-такрор унларимга,
Саодатли он бахш этган, сиз устозим.

Шеър ва шуур

Қиёматлик дўст-диёнат меҳр билан,
Одамийлик қадр-қиммат меҳр билан,
Кўнгил куйи — ишқ-муҳаббат меҳр билан,
Борлиғимга шаън бахш этган, сиз устозим.

Қанча тоғу тошлар ошиб келдим мано,
Кеча-кундуз, шому саҳар елдим мано,
Яхши-ёмон бу дунёни билдим мано,
Ўзлигимга сон бахш этган, сиз устозим.

Кўзларимда ойдай ёруғ тонглар отди,
Сабоқ талаб безовта қалб онлар отди,
Ҳайдар Тўра юраккача қарзга ботди,
Илму ҳунар — кон бахш этган, сиз устозим.

ОЙ ЧЎККАН КЎЛ

* * *

Баҳор билан гуллар тердим,
Ой чўккан кўл қирғоғида.
Ширин-ширин ҳаёл сурдим,
Тунининг момиқ қучоғида.

Вақт ўтар, юлдузларнинг
Кўзларига ботар дунё.
Армон билан қундузларнинг
Ўртасида ётар дунё.

Бошим ойдан айланади,
Кўлнинг тинар қирғоқлари.
Юрагимга бойланади.
Севганимнинг мунчоқлари...

Баҳор билан гуллар тердим,
Ой чўккан кўл қирғоғида.
Ширин-ширин ҳаёл сурдим,
Тунининг момиқ қучоғида.

* * *

Ёмонликни қилма асло, ёмонликнинг
Охири вой, пушаймонлиг, армон бўлар.
Бир кун келиб, қош-кўзлару икки бетнинг,
Эл олдида қизариши ёмон бўлар.

Қайда бўлсанг тўғри юриб, тўғри сўзла,
Узоқларни оёғингни босмай кўзла,
Давраларда ўздан кетиб бўлма эзма,
Шунда бахту саодатинг бир ён бўлар.

Нотаниш йўл, тоғ-тошлардан ўтар бўлсанг,
Тўғри келган юрт-хонада ётар бўлсанг,
Меъёр билмай шароб-шакар отар бўлсанг,
Ичинг ёниб, кўзинг тиниб гирён бўлар.

Мансабинга учиб дўстлар қўпайишса,
Бўлар-бўлмас ҳангомага тиржайишса,
Тўғри қолиб эгриларга хўп қайишса,
Бору йўғинг талон-торож ҳар ён бўлар.

Ҳайдар Тўра яхшиларнинг йўлини тут,
Кўпни кўрган қариларнинг кўлини тут,
Дўсту ёрга юрагингнинг қўрини тут,
Шунда ҳар бир лаҳзаларинг даврон бўлар.

* * *

Кунлар эмас, ойлар эмас, йиллар ўтди,
Униб-ўсиб элу юртга дастёр бўлдим.
Баланд-пастлик, ғадир-будир йўллар ўтди,
Гоҳ сурилиб, гоҳ бурилиб ҳушёр бўлдим.

Юртлар ошдим, узоқ сафар тўнин кийиб,
Юрдим гоҳо рост гаплардан тилим тийиб,
Гоҳ яйрасам, гоҳо ногоҳ кетдим куйиб,
Соғинчимни ичга ютиб ночор бўлдим.

Бу дунёнинг кўчалари бозор экан,
Оғайинлар бирлашмаса тўзор экан,
Ишёқмасдан ҳатто ҳудо безор экан,
Гоҳ яхшию ёмонларга дучор бўлдим.

Битта ёмон минг яхшини хор айлади,
Ўйин кулгу кўчасини тор айлади,
Етимларни упоқ нонга зор айлади,
Шундан бери ёмонлардан қочар бўлдим.

Ҳар нарсага чегара бор, яраттан бор,
Ҳасад билан ёмон гапни тараттан бор,
Оч қоринга эртак айтиб чарчаттан бор,
Кечалари уйқу келмай бедор бўлдим.

Ҳайдар Тўра, ҳар лаҳзани ғанимат бил,
Мансаб-амал ўтарини ҳақиқат бил,
Ёниб куйган кунларингни дилда ёд қил,
Билиб-билмай кўпларга ёр, ҳамкор бўлдим.

* * *

Бирор ишни қилар бўлсанг сидқу дилдан,
Битарини эринмасдан олдин ўйла.
Молу дунё йиғар бўлсанг бир кун қўлдан
Кетарини суринмасдан олдин ўйла.

Ноҳақликдан бошинг эгиб армон билан,
Аччиқ-аччиқ ёшинг тўкиб армон билан,
Душманларга ошинг бериб армон билан,
Юрак-бағринг тилинмасдан олдин ўйла.

Майдон-майдон куч синашга тушар бўлсанг,
Шердай бўлиб кучингга куч қўшар бўлсанг,
Узоқ манзил — довонлардан ошар бўлсанг,
Аҳволингни билинмасдан олдин ўйла.

Ҳар кун керак оёқ-қўлинг — амалингни,
Белингдаги қувватингни — мажолингни,
Худо берган ризқи-рўзинг — қамолингни,
Номардларга ялинмасдан олдин ўйла.

Иззат-икром, шон-шарафга ким муносиб,
Пешонада бори ҳақдир — бўлса насиб,
Ҳайдар Тўра, илҳомингни, уйқу босиб,
Кўзларингга илинмасдан олдин ўйла.

***

Ошиқларнинг боғ-чаманда булбулдайин,
Жўшқин-жўшқин ҳоншлари ўзгармас-о.
Васл аро кеча-кундуз ўтган сайин.
Мафтун-мафтун ёнишлари ўзгармас-о.

Кўнгили оқ, меҳри дарё инсонларнинг,
Бир куни минг, бағри дунё инсонларнинг,
Ўзгарсада осмону ер имконлари,
Бир-бирини танишлари ўзгармас-о.

Ҳар юракда Оллоҳ битта, Ватан битта,
Давру даврон, замон битта, армон битта,
Охир-абад, Ойу Қуёш жаҳон битта,
Бу дунёнинг ўтишлари ўзгармас-о.

Ўғри-каззоб азал-абад ҳақ-қозидан,
Ҳосили кам бўлса агар қуз-ёзидан,
Номардларнинг оқ-қорани ўз-ўзидан,
Кўзин юмиб тониишлари ўзгармас-о.

Ҳайдар Тўра, юртлар кезиб юрдинг қанча,
Яхшилигу ёмонликни кўрдинг қанча,
Чорраҳада бошинг қотиб турдинг қанча,
Ҳақнинг амал бўлишлари ўзгармас-о.

АО "УЗМЕТАЛЛСАВДО" предлагает:

Наименование продукции	Ед. измер.	Цена за I тн (сум)	№ телефонов
1. Уголок 100мм	тн	60500	480882
2. Уголок 160, 140мм	тн	58300	-"-
3. Периодический профиль д.12 мм.	тн	29300	480882
4. Трубы чугунные-водонапорные-65мм.	тн	50000	484766
5. Трубы чугунно-канализационные-159	шт	1800	-"-
6. Сетка "Рабица" 20х20мм.	кв.м.	250	484707
7.Сетка сварная (дорожная)150х150	тн.	договорная	-"-
8. Сетка просечно-вытяжная 30х15	кв.м	-"-	-"-
9. Электроды свароч. АНО-4 д. 4мм.	тн	192000	-"-
-"- МР-3д.4.	тн	220000	-"-
10. Крепежные изделия различных размеров	тн	договорная	-"-
из них: болты с/г 10х100мм	тн	108000	-"-
гайки свободные М10	тн	-"-	-"-
винты 5х45-50 и другие	тн	65000	-"-
заклепки стальные различные	тн	7269	-"-
11.Титановый прокат	тн	550000	-"-
12.Латунный порошок	тн	116000	-"-

Наш адрес: г. Ташкент, улица Уста Ширин — 136.

ЧЎЛПОН БОҒИГА АТАБ

АНДИЖОН. Тўйга тўёна деганларидек, ҳассос шоир Чўлпон таваллудининг 100 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрилаётган айни кунларда унинг номи билан аталувчи боғга асос солинмоқда. Сурхондарёнинг Олтинсой тумани «Жаба» қишлоғидаги Султонбобур боғининг соҳиби Ўктамжон Шокиров ана шу боғга атаб 100 туп хурмо дарахтини инъом этди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

МАЪРИФАТЛИ ОИЛА

ЖИЗЗАХ. *УзХДП Зафаробод туман кенгаши ва «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ҳамкорликда «Маърифатли оила» танловини ўтказди. «Уч қаҳрамон» қишлоқ фуқаролар йиғинидан Раҳим Ҳамидов, «Ҳулкар» қишлоқ фуқаролар йиғинидан Бекпулат Қўшоқов ҳамда «Рамазон»дан Акмал Абдуллаевлар оиласи қўрик ғолиби деб топилди. Уларни УзХДП туман кенгаши биринчи котиби Ш. Мавлонов, «Маънавият ва маърифат» туман бўлими бошлиғи Н. Муллаевлар қутлаб, эсдалик совғаларини тошширдилар.*

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ.

ТАЪЛИМ ВА МУАЛЛИМ

ТОШКЕНТ. ТошДУ қошидаги олий педагогика институтининг 30 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди. Йиғин «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур асосида олий таълим тизимидаги профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш» вазифаларига бағишланди. Йиғилганлар етакчи олим ва мутахассисларнинг «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур», «Ўзбекистонда фан ривожи ва янги таълим тизимининг асосий хусусиятлари», «Экологик қадриятлар ва уларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги аҳамияти» каби мавзуларда ўнлаб маърузаларни тингладилар.

Отабек ХУДОЙҚУЛОВ.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «ЗИЁМХА» ишлаб чиқариш-тижорат фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ва ушбу фирма

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 42-50-08 телефони орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси «Пилла» уюшмаси жамоаси меҳнат фахрийси

Шавкат Нажимович ЭШОНХЎЖАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

га. «Қўшиғимдасан, Ватан». Мусиқий дастур.
22.05 «Сеҳрли шўъла». Кинокўрсатув.
22.25 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 10-қисм.
«Мунаввар дунё». Маърифийдам олиш дастури:
23.10 «Олам».
23.30 «Инсон». Кинокомпозиция.
23.40 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 16-қисм (Миср Араб Республикаси).
00.25 «Ахборот».
00.50—00.55 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Эгиз қушиқлар».
9.55 «Қатрада қуёш».
10.10 «Сайёралар рақси».
10.30 «Сир».
10.40 «Мутойиба».
11.00 «Мусиқа теграсида».
11.20 «Одобнома».
11.30—13.10 Кино жавонидан.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.40 «Камолот».
19.00 «Эслайсизми?»
19.10 «Яхши дам олинг».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубль».
20.10 «Тақдим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 Мусиқа ва рақс.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.25 «Бокс, бокс, бокс».
23.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.30—00.40 «Даракчи».

III

18.15 Янгиликлар.
18.20 «Эртак учун раҳмат». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.30 — 21.35

*

21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 «Бисотли аёл». Бадиий фильм. 2-серия.
23.30 — 23.50 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19,00, 21.20 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.20 «Осиё» монитори.
20.50 «Уй остонадан бошланади».
21.25 Араб эстрадаси.
21.50 «Ширу-шакар».
22.20 «Йиллар ортидаги йўллар».
22.50 «Йўлингиз бехатар бўлсин».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
8.50 «Шоҳроҳ» клуби.
9.10 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 16-қисм.
9.55 «Зиёрат».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.05 «Орзулар қанотида».
10.25 «Талабалар саҳнасида».
10.55 «Туташ томирлар».
11.10 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 10-қисм.
11.50 Футбол. Мавсум якунига доир мулоқот.
13.20 «Меҳр макони».
13.40 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
14.05—15.05 «Сўз саньаткори». Абдулла Каҳҳор таваллудининг 90 йиллигига.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 Ёшлар учун. «Нима учун?»
18.40 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 «Нафосат гулдастаси».
21.55 «Дунё бўлди, чаманим маним».
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
22.35 «Сен учун». Киноконцерт.
22.55 «Имкон чўққилари».
23.05 Микель Плачидо «Шовшув» фильмида. 4-серия.
00.50 «Мунажжим башорати».
00.55—01.00 «Тунги пойтахт таронаси».

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан».
9.20 «Камолот».
9.40 «Эслайсизми?»
9.50 Дубль.
10.05 «Тақдим».
10.25 «Ривоят».
10.35 Мусиқа ва рақс.
10.55 «Кинонигоҳ».
12.25—12.45 Бокс. Бокс. Бокс.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.50 «Қонун ҳимоясида».
19.00 «Таянч».
19.15 Дилором наволар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Глобус». Телеальманах.
20.30 «Ахборот».
21.00 ТВ ва театр.
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 Мафтункор чехралар.
22.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 Видео—«О».
00.20 Интерфутбол.
00.40—00.50 «Даракчи».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.25 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Бисотли аёл». Бадиий фильм. 3-серия.
23.00 — 23.20 «Мовий қуш». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 Шанба эртаги.
10.45 «Кросс-Роудс кафеси»га хуш келибсиз». («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: Инглиз тили — ҳамма учун).
11.15 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.00 — 12.20 «Корейс тилини ўрганамиз».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.15 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Биргаликда куйлайлик».
20.45 «Спектаклдан сўнг».
21.15 Далил ва шарҳ.
21.25 «Самодаги олмослар». Телесериал.
22.20 «Бу ажиб дунё».
22.35 «Хит-коллекция».
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Олам». Кинокўрса-тув.
11.20 «Туйғулар жаранги».
12.00 «Зийнат».
12.20 Ёшлар учун. «Мен билган, билмаган дунё».
12.40 «Қувноқ стартлар».
13.25 «Халқ ижодиёти».
13.45 «Излаган имкон топар».
14.05 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
14.45—15.35 «Нурли келажак». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўнғироқча».
18.20 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига. «Йигит омон бўлса».
18.45 «Марҳабо, талантлар». Киноконцерт.
19.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Қўлчалар». Теленовелла.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшоми-да». Мусиқий дам олиш дастури.
21.35 Телевизион миниатюралар театри.
22.10 «Спорт, спорт, спорт».
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
22.30 Кино янгиликлари.
22.45 Ўзбек киноси ижодкорлари.
23.05 «Парадизо» кинотеатри». Бадиий фильм.
00.35—00.40 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
9.35 «Қонун ҳимоясида».
9.45 «Таянч».
10.00 Дилором наволар.
10.10 «Бизнес-академия».
10.25 «Глобус». Телеальманах.
10.40 ТВ ва театр.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.50 Мафтункор чехралар.
12.10 Видео—«О».
13.50—14.10 Интерфутбол.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Болалар дунёси».
18.30 «Турфа олам».
19.00 «Нафосат».
19.10 «Келгуси ҳафтада».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Зар қадри». Мусиқий дастур.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 Жараён.
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Изҳор».
22.35 «Миллионлар ўйини».
22.50 «Тақвим, Эълонлар, Оҳанглар».
23.00 Видео—«О».
00.35—00.45 «Даракчи».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.15 «Бисотли аёл». Бадиий фильм. 4-серия.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.40 — 00.05

*

00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.35 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сехрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Эълонлар.
11.50 «Сен ҳақингда ва сен учун».
12.05 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.55 «Жонли сайёра».
15.15 «Мулойим аёл». Бадиий фильм.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.00 Эълонлар.
19.05 «Менинг кўчам».
19.20 «Телеташриф».
19.40 «Мусиқий Олимп».
20.00 «Тошкент оқшом-лари».
20.30 «Иштирок этувчилар».
21.05 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 3-қисм.
23.55 «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
00.25 — 00.35 «Хайрли тун!».

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. БОБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0731

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА